

У Ҳайй ва Қоййумдир



06:02 / 11.10.2025 1137

مُسَا: لَأَقِمْ لِسْوَهِ يَلَعُ هَلَلِ لَيْلِ صَبَّ نَلَانَا نَعُ هَلَلِ يَضَرَّ دِي زِي تَنْبَاءَ مَسَّ أَنْع
لِآرُوسِ عَجَاتِ فَو، ﴿١٣٣﴾ الرَّحْمَنُ هُوَ الْإِلَهُ لَا يُدْعَى إِلَهُ إِلَّا هُوَ وَإِلَهُكُمْ: نِي تَيْ آلِ لَنْ يَتَاهِ ي فُمَطْعُ آلِ هَلَلِ
يَذُمَّرَّتْ لَو دُوَادُ وَبَأُو دَمَحَ أُمَامِ إِلَاهِ أَوْر. ﴿٢﴾ الْقِيَوْمُ الْحَى هُوَ الْإِلَهُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ

Асмо бинти Язийд розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аллоҳнинг исми аъзами ушбу икки оятдадир: «Ва илоҳингиз ягона Илоҳдир. Ундан ўзга илоҳ йўқ. У Роҳман ва Роҳиймдир» ва Оли Имроннинг аввалидаги «Аллоҳ - Ундан ўзга илоҳ йўқ. У Ҳайй ва Қоййумдир» оятидадир», дедилар».

Имом Аҳмад, Абу Довуд ва Термизий ривоят қилганлар.

Дарҳақиқат, бу икки оятда зикр қилинган Аллоҳ таолонинг исмлари ўзида катта маъноларни жамлагандир. Келинг, улар билан яқиндан танишиб чиқайлик:

«Ва илоҳингиз ягона Илоҳдир. Ундан ўзга илоҳ йўқ. У Роҳман ва Роҳиймдир» (*Бақара сураси, 163-оят*).

Ушбу оятда Ислом ақийдасининг бош масаласи – Аллоҳнинг ягоналиги асосий қоида сифатида илгари сурилмоқда. Аллоҳнинг борлигига ҳеч қачон шубҳа бўлмаган. Унинг зоти ва сифатлари ҳақида тортишувлар доимо бўлиб турарди. Унинг махлуқотлар билан алоқаси ҳақида ҳам тортишувлар кечган. Фақат даҳрийларгина илоҳнинг йўқлиги ҳақида сафсата сотдилар. Аллоҳнинг борлигини инкор этдилар.

«Алиф. Лаам, Мийм. Аллоҳ – Ундан ўзга илоҳ йўқ. У Ҳайй ва Қоййумдир» (*Оли Имрон сураси, 1-2-оятлар*).

Ояти Курсийда келганидек, ушбу ояти карима тавҳидни, Аллоҳнинг ягоналигини холис баён қилади. Аллоҳ таолодан ўзга бандаларнинг ибодатига сазовор ҳеч бир илоҳи маъбуд йўқдир. Аллоҳ доим тирикдир, ўлмайди. У Қоййум – бандалари ишларининг тадбирида доимо қоим турувчидир. Бошқаларнинг туриши ҳам У Зот биландир.

Бу икки ояти каримада ҳам Аллоҳ таолонинг бир неча исмлари зикр қилинган. Аммо улардан қайси бири Исми Аъзам эканига аниқ ишора йўқ.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 35-жузи

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 2 августдаги 02-07/6202-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.